O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI

MAS`ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT BOSH LOYIHA-QIDIRUV INSTITUTI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ ГОЛОВНОЙ ПРОЕКТНО-ИЗЫСКАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ

QISHLOQQURILISHLOYIHA

SHARTNOMA № 07-125-2022

Навоий вилоят Кармана тумани “Дустлик” МФЙда қуриладиган “Янги Узбекистон” массивининг ичимлик суви ва оқава суви тизимларини қуриш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш

Navoiy shahar 2022 yil

07-125-2022-сонли шартнома

Навоий шаҳар "21" 04 2022 йил

"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади ва ҳаракатдаги Низом асосида фаолият юритувчи марказ бошлиғи **Ш.Абдурахимов** бир томондан, ҳамда **"Қишлоққурилишлойиха" МЧЖ Навоий вилоят филиали** кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади ва ҳаракатдаги Низоми асосида фаолият юритувчи директори **Б.Қаххоров** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида тузилар.

1. Шартноманинг мазмуни

1.1. "Бажарувчи", "Буюртмачи"нинг топшириғига асосан **Навоий вилоят Кармана тумани "Дустлик" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқава сув тизимларини қуриш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, топотасвир ишларини бажариш, АРТ (Архитектура режалаштириш топшириғини тайёрлаш, геология, экспертиза, ЗВОС хулосасини олиш ишларини бажариш)** мажбуриятини ўз зиммасига олади, "Буюртмачи" эса бажарилган ишларни қабул қилиб олиб, ишлар бўйича харажатларни ўз вақтида тўлаб беради.

1.2. "Бажарувчи" мазкур объектда муаллифлик назоратини "Буюртмачи" билан келишилган ҳолда олиб боради.

1.3. "Бажарувчи" томонидан тақдим этилган меъморий режалаштириш, лойиҳалаш топшириқларида кўрсатилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлар курилишига лойиҳа–смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақидаги ШНК1.03 01-03 қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради.

1.4. Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисодий ва бошка талаблар ишларини бажариш учун техник топшириқларда назарда тутилади.

1.5. Бажариладиган ишларнинг мазмуни, қиймати ва муддати қуйидаги иловаларда кўрсатиб ўтилган ва ушбу иловалар шартноманинг ажралмас қисми хисобланади:

- шартнома нархининг келишув баённомаси (1-сонли илова),
- бажариладиган ишларнинг календар режаси (2-сонли илова),
- шартнома қийматини асословчи ҳужжат (шахарсозлик хужжатлари смета-қиймати 3- сонли илова),
- коррупцияга қарши курашиш қоидалари (4-сонли илова).

1.6. "Бажарувчи" "Буюртмачи"нинг рухсатини кутмасдан, қўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномасини бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган махсус тадқиқот ишларига) тузишга хақлидир.

2. ШАРТНОМА НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилган иш учун "Буюртмачи" томонидан "Бажарувчи"га **160 000 000 (Бир юз олтмиш миллион) сўм, 15 фоиз ҚҚС билан** тўлов амалга оширилади.

2.2. "Буюртмачи" "Бажарувчи"га шартномани белгиланган тартибда худудий ғазначилик рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 3 (уч) банк кунида шартнома қийматининг 30 % миқдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

2.3. Тўловнинг қолган қисми ишлар бажарилгандан сўнг ёки бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб-фактура асосида (электрон) 5 (беш) банк кунида "Бажарувчи"нинг хисоб ракамига ўтказиб берилади.

2.4. Бажариладиган ишнинг қиймати ўзгарганлиги натижасида, "Буюртмачи" ёки "Бажарувчи" олдиндан хабардор қилиниши лозим ва ўзгарган қиймат асосланган хужжатлар асосида амалга оширилади.

2.5. Лойиҳа-смета ҳужатларининг аник қиймати давлат экспертиза кўригидан ўтказилганидан сўнг, уларнинг хулосаси асосида аниқланади.

2.6. “Буюртмачи” белгиланган тартибда олдиндан ва тўланиши лозим бўлган тўловларни ўз вақтида тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатга ўзайтирилади.

3. Томонларнинг мажбуриятлари

3.1. “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари;

“Бажарувчи” “Буюртмачи” томонидан берилган лойиҳа олди ҳужжатлар, техник топшириқ ва бошқа бошланғич ҳужжатлар асосида ишларни бажариши лозим;

“Буюртмачи” билан бажариладиган ишларнининг босқичлари ва натижаларини келишиш;

Иншоотда “Бажарувчи” томонидан олиб борилаётган қурилиш монтаж ишлари лойиха-смета ҳужжатлари асосида бажарилаётганлигини текшириш;

Белгиланган тартибда муаллифлик назоратини олиб бориш, “Бажарувчи” томонидан лойиха ечимларига ҳамда қурилиш нормаларига риоя қилинган холда ишлар бажарилаётганлигини назорат қилиш;

Қурилиш даврида келиб лойиха-смета ҳужжатлари бўйича келиб чиқадиган муаммоларни қисқа муддатларда ижобий хал этилишида бевосита иштирок этиш;

Буюртмачидан ишни бажариш учун керак бўладиган барча ахборотларни талаб қилиб олиш, лойиха ечимлари бўйича Буюртмачининг сўровларига ўз вақтида жавоб қайтариш;

“Бажарувчи” томонидан лойиҳадан четга чиққан холда қурилиш-монтаж ишлари бажарилган тақдирда зудлик билан бу хақда Буюртмачини хабардор этиш.

3.2. Буюртмачининг мажбурияти:

“Бажарувчи” ўз вақтида ишни бажариш учун керак бўладиган ва талаб қилинган лойиҳа олди ҳужжатлар, техник топшириқ ва бошқа бошланғич ҳужжатлар ахборотларни ўз вақтида бериш;

Мазкур шартномада кўзда тутилган шароитларда белгиланган нархни ўз вақтида тўлаш ҳамда ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказиш;

“Бажарувчи” томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шароитларда бажарилишини назорат қилиш;

“Бажарувчи” билан бажарилган ишларнинг босқичлари ва натижаларини келишиш;

Ишни бажариш учун қурилиш объектига тўсиқсиз киришни таъминлаш;

Бажарувчи томонидан асосли эътирозлар билдрилганда ушбу эътирозларни кўриб чиқиш;

Бажарилган ишларни белгиланган тартибда қабул қилиб олиш.

Бажарилган иш хажмини қабул қилиб олгунча “Бажарувчи» иштирокида бажарилган ишларни кўздан кечиради ва унинг сифатига эътибор беради;

Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз бўлса, «Буюртмачи» қабул килмасликка ва сифатсиз бажарилган иш қисмини қайтадан тўлиқ, сифатли, бажариб беришини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Бажарилган иш хажми «Буюртмачи» томонидан тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг 10 кун муддатда «Бажарувчи»га шартномада кўрсатилган маблағнинг қолган қисмини тўлиқ тўлаб бериши шарт.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 654.695-моддасига мувофиқ томонлар шартнома предмети, унинг бажарилиш жараёни ва олинган натижаларга оид маълумотларнинг махфийлигини таъминлашлари шарт.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

4.1. Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида баҳоланади.

4.2. “Бажарувчи” томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйҳати техник топшириқда аниқланади.

4.3. “Бажарувчи” ишларни бажариб бўлгач, “Буюртмачи”га топшириш–қабул килиш далолатномаси билан биргаликда илова килиб 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини такдим этади.

4.4. “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 4.2.-бандида кўрсатилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатларини бажарилган ишларни қабул қилиш мажбуриятини олади ва “Бажарувчи”га имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

4.5. Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътирози бўлса, камчиликлар рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6. Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 (беш) иш кун мобайнида бир–бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида ҳабардор қилишлари шарт ва 10 (ўн) иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган мажбуриятлар юкланади.

4.7. Ўзаро ҳисоб–китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. “Буюртмачи” ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатга ўзайтирилади.

5.2. “Буюртмачи” олган мажбуриятини бажармаган тақдирда “Бажарувчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.3 “Бажарувчи” шартномада кўрсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишда олган мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда “Бажарувчи” уларни беғараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5. Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган холатлар (форс–мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрлари асосида иш кўради.

5.6. Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартнома шартларига мос келмаслиги, “Буюртмачи” бажарилган ишлардан бош тортишга хақли.

“Бажарувчи”дан шартнома шартларига мос келмаса иш қийматининг 5% миқдорида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга хақ тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилишга хақли. Жарима тўлов талабномаси молиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар хақидаги далолатнома тузилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида тақдим қилиниши лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.7. Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўрилади.

5.8. Томонлар низолар бўйича келиша олмаган холда Тошкент туманлараро иқтисодий судига муроаажат қилиш хукукига эга.

5.9. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупсиявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

5.10. Тарафлар шартномадаги коррупсияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупсиянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя етилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

5.11. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар йузасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини,

қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

6. БАРТАРАФ ЭТИЛИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ ХОЛАТИ (ФОРС - МАЖОР)

6.1.Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шарномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фукаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир).

6.2.Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

6.3.Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартномани бекор қилиши мумкин.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА ШАРТЛАРИ

7.1 Мазкур шартнома томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.

7.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва хар бири бир хил юридик кучга эга бўлиб, тарафларнинг хар бирида бир нусхадан сақланади.

8.Томонларнинг реквизитлари:

“БУЮРТМАЧИ”	“БАЖАРУВЧИ”
“Сув таъминоти ва оқава объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси	**«Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ Навоий филиал**
Манзил: Навоий в. Навоий ш. Ғалаба Шох 226-уй	Манзил: Навоий вилоят Навоий шаҳар Ғалаба Шох 188-53б
Тел:	Тел: (+998)90-731-12-78
Банк: АТ “Ўзсаноатқурилиш” Банк Навоий ш.	Банк: ХАТБ "DAVR BANK" Тошкент шаҳар Юнусобод филиали
МФО 00207 СТИР: 305981913	СТИР:206 994 012. ОКЭД 71100
ОКОНХ 90213	МФО 01122.
Х/р 20210000800972312001	Х/р: 2021 4000 7047 6745 1001
Л/сч 3011108601240170632011014	
Буюртмачи	**Навоий филиал директори**
_____ **Ш.Абдурахимов**	_____ **Б.Қаххоров**
М.Ў. (Имзо)	М.Ў. (Имзо)

2022 йил «21» апрел даги
07-125-2022-сонли шартномага
1-илова

07-125-2022-сонли ШАРТНОМА нархининг келишув

Навоий вилоят Кармана тумани “Дустлик” МФЙда қуриладиган “Янги Ў збекистон” массивининг ичимлик ва оқава сув тизимларини қуриш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш топотасвир ишларини бажариш, АРТ (Архитектура режалаштириш топшириғини тайёрлаш, геология, экспертиза, ЗВОС хулосасини олиш ишларини бажариш) биз қуйида имзо чекувчилар “Буюртмачи” томонидан **“Сув таъминоти ва оқава объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси** кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади ва ҳаракатдаги Низоми асосида фаолият юритадиган марказ бошлиғи **Ш.Абдурахимов** ва “Бажарувчи” томонидан **«Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ** Навоий филиал директори Б.Қаххоров томонлар ўртасида лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқариш нархини **160 000 000 (Бир юз олтмиш миллион) сўм, 15 фоиз ҚҚС билан.**

Ушбу баённома “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” ўзаро ҳисоб–китобларни қилиш ва тўловни амалга ошириш учун асос хисобланади.

“БУЮРТМАЧИ” **“БАЖАРУВЧИ”**
Навоий филиал директори

_____ **Ш.Абдурахимов** _____ **Б.Қаххоров**
М.Ў. (Имзо) М.Ў. (Имзо)

2022 йил «____» _____ даги
07-125-2022-сонли шартномага
2-илова

КАЛЕНДАР РЕЖА

Т	Шартнома бўйича ишнинг номи	Ишнинг бажарилиш вақти	Ишнинг хисоб нархи, сўмда
1	2	3	4
1.	**Навоий вилоят Кармана тумани “Дустлик” МФЙда қуриладиган “Янги Ўзбекистон” массивининг ичимлик ва оқава сув тизимларини қуриш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш топотасвир ишларини бажариш, АРТ (Архитектура режалаштириш топшириғини тайёрлаш, геология, экспертиза, ЗВОС хулосасини олиш ишларини бажариш)**	“30” иш куни муддатда бошланғич бўнак (аванс) тўлови амалга оширилгандан сўнг.	**160 000 000**
	Шундан 15 фоиз ҚҚС билан.		**160 000 000**

“БУЮРТМАЧИ” **“БАЖАРУВЧИ”**

_____ **Ш.Абдурахимов** _____ **Б.Қаххоров**
М.Ў. (Имзо) М.Ў. (Имзо)

2022 йил « 21 » апрел даги
№ 07-125-2022-сонли шартномага
3-илова

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун
1-сонли смета
Навоий вилоят Кармана тумани “Дустлик” МФЙда қуриладиган “Янги Ўзбекистон” массивининг ичимлик ва оқава сув тизимларини қуриш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, топотасвир ишларини бажариш, АРТ (Архитектура режалаштириш топшириғини тайёрлаш, геология. Экспертиза, ЗВОС хулосасини олиш ишларини бажариш)

"Бажаручи" номи — **"Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ Навоий вилоят филиали**

"Буюртмачи" номи — **"Сув таъминоти ва оқава объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси**

Т/р	Объект номи	Асос	Қиймат минг сўмда
1	2	3	5
1.	**Навоий вилоят Кармана тумани “Дустлик” МФЙда қуриладиган “Янги Ўзбекистон” массивининг ичимлик ва оқава сув тизимларини қуриш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш топотасвир ишларини бажариш, АРТ (Архитектура режалаштириш топшириғини тайёрлаш, геология, экспертиза, ЗВОС хулосасини олиш ишларини бажариш)**	Тендер коммисиясининг 18.04.2022 йилдаги протоколига асосан	160 000 000
	Лойиҳа қиймати 15 % ҚҚС билан		160 000 000

Смета бўйича жами: **160 000 000 (бир юз олтмиш миллион) сўм, 15% ҚҚС билан.**

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ
Навоий филиал директори _____ **Б.Ғ.Қаххоров**

Лойиҳа бош муҳандиси _____ **А.Набиев**

Буюртмачи:
Директор _____ **Ш.Абдурахимов**